Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

МА'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 4 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 2 (6898)

**Дағват**

Ҳар нарсанинг далили бор. Ақлнинг далили фикр, фикрнинг далили сукутдир.

**АСМАИЙ**

**Ибрат**

**Янги йил арафасида Беруний туманида 3-махсус болалар санатория очилди. Унга «Ширинтой» деб ном берилди. Жажжилар масканида 150 нафар нутқида камчилиги бор болалар тарбияланишади. Барча сарф-харажатларни шаҳар ҳокимияти ўз зиммасига олди.**

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 1 октябрь «Уқитувчи ва мураббийлар куни» деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) куни деб ҳисоблансин.

2. Узбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Узбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова) 131-моддаси олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

«1 октябрь — Уқитувчи ва мураббийлар куни»

Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Узбекистон Республикасининг «Халқ таълим ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги 1993 йил 29 декабрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, N1, 2-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент, шаҳри,
1996 йил 27 декабрь.

## ТАЪТИЛ ТОТЛИ ЎТМОҚДА

***Янги йил байрамида катталардан ҳам кўпроқ болажонлар қувнашди. Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига ўрнатилган улкан арча атрофига кичкинтойлар тўпланишиб, турли хил қизиқарли ўйинлар ўйнашди. Эртак қаҳрамонлари билан учрашишди. Қорбобо эса ўз навбатида қопидаги турли хил совғалардан улашди. Хуллас, Арча байрами кичкинтойлар қалбида унутилмас таассурот қолдирди.***

***Суратларда: болажонларнинг Янги йил арчаси атрофида қувнаётганликлари акс этган.***

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## РЕСПУБЛИКАДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМНИ, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ёш авлодни ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий-ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, республика маданият ва санъат билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ўз тасарруфидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларини «Таълим муассасалари» рўйхатига киритиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

1997 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари (директор, директор ўринбосари, ўқитувчи ва концертмейстерлари)га Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 8 январдаги 3-сонли қарорида белгиланган имтиёзлар;

ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, концертмейстерларига ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қарорида белгиланган моддий рағбатлантириш бўйича барча имтиёзлар татбиқ этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига:

тегишли вазирлик, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳозирги замон ижодий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиш ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида иқтидорли ёшларнинг миллий анъаналарни чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш, шунингдек, жаҳон андозаларига мос равишда таълим олишлари учун махсус ўқув дастурларини тайёрлаш;

ўқув юртларини юқори сифатли чолғу асбоблари ва зарур замонавий техник воситалар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

нодир, қимматбаҳо мусиқа асбобларини тўплаш, асраш, улардан унумли фойдаланиш мақсадида вазирлик ҳузурида «Мусиқий чолғулар давлат коллекцияси»ни ташкил этиш;

истеъдодли ёшларни санъат соҳасидаги халқаро ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фестивалларда ва бошқа турдаги анжуманларда иштирок этишлари, уларнинг чет элларга ижодий сафарларга чиқишлари, шунингдек, мамлакатимизда бундай тадбирларнинг ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонда кўзда тутилган сарф-харажатларни Маданият ишлари вазирлигининг буюртмасига мувофиқ республика бюджетидан қопласин.

Марказий банк тегишли маблағларни белгиланган тартибда эркин муомаладаги валютага айирбошлашни таъминласин.

4. Жойлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ва билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ сарф-харажатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Оммавий ахборот воситаларига ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида эришаётган ютуқларини кенг тарғиб қилиш, янги истеъдодларни излаб топиш ва уларни танитишда бевосита иштирок этиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 31 декабрь.

*Муносабат*

## ҲУСН ХАЙЛЛАРИ ҲУСН ОЧАДИ

Бобур «Бобурнома»да Фарғона вилоятини таъриф этиб, дарж этадики, «Элида ҳусн хайли бордур. Юсуф Хожаким, мусиқийда машҳурдур, Андижонийдур»... Дарҳақиқат, ҳар қандай миллат акмаллиги «ҳусн хайли», яъни маънавият, адабиёту санъат аҳли, мусиқачию чолғувчисининг нечоглиги билан улчанади.

Президентимизнинг **«Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»**ги Фармони ўша комиллик томон қўйилган яна бир қадам бўлди. Фармонда таъкидланганидек, **«ёш авлодни ўзбек маданияти ва санъати анъаналари, илғор жаҳон андозалари асосида билим олишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳа ўқитувчи, илмий—ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, шунингдек, республика маданият ва санъат билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш»** бугунги куннинг муҳим вазифалари қаторига қўйилди.

Бундан буёғига мазкур ўқув юртлари Фармонга биноан «Таълим муассасалари» қаторига киритилди. Ўрта мактаб ўқитувчилари эга бўлган барча имтиёзлар уларга ҳам тегишли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 октябрдаги 415-сонли қарорида белгиланган моддий рағбатлантириш бўйича ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчилари, концертмейстерларига ҳамда санъатшунослик илмий тадқиқот институти илмий ходимларига ҳам татбиқ этилади.

Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда ёш, истеъдодли санъаткорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган. Республикамизда 309 дан ортиқ мусиқа ва санъат мактаблари мавжуд. Уларда 7385 нафар ўқитувчи сабоқ беради. Ушбу масканларда 69 мингга яқин ўқувчи ўқийди. Демакки, мазкур Фармон неча ўн минглаб ҳусн хайлларига офтоб янглиғ бўлди. Ва умидимиз борки, ҳусн хайллари энди ҳусн очажак.

**Асқар ШОКИР.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**● 2 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

**● «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори қабул қилинди.**

**● «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори қабул қилинди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 январдан чет эл валютасининг сўмга нисбатан расмий курсини белгилаш тартибини ўзгартирди. Бундан буён расмий курсни жорий курслар, валюта биржаси ва биржадан ташқари бозордаги операциялар ҳажми, айирбошлаш шохобчаларида нақд валютани харид қилиш ва сотиш курслари, шунингдек, пул массаси эмиссияси, динамикаси ҳамда инфляция суръати даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш тартиби жорий этилади.**

**● 1996 йилнинг охирги кунида Бутрос Голий БМТ бош котиблиги лавозимидан бўшаб, ўз ватанига қайтар экан, ўзининг муваффақиятсизликларидан энг каттаси БМТда молия масалаларини еча олмаганлиги эканлигини таъкидлади. (Internet)**

**● Тайван ташқи ишлар вазири Жон Чан Гватемала сафари олдидан Тайван БМТ ҳузуридаги кузатувчи мақомига эга бўлиш учун барча имкониятларини ишга солади, дея баёнот берди. (Internet)**

*Халқ таълими ва ҳокимият*

## ИЛМ РАВНАҚИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

**** Ўғил-қизларни «Ҳаётга тайёрлаш» дастури Элликқалъа туманида яхши натижалар бераяпти.***

**** Меҳр-улкан туйғу. Бунинг халқ педагогикаси чиғириғидан ўтгани ҳақиқат.***

**** Элликқалъа — эски қўрғонларга бой юрт. Бу туман мактабларида «Ўзбекистон тарихи»фани чуқур ўрганиляпти.***

**** Туманда Хоразм ва Жанубий Қорақалпоғистон табиатига хос ноёб дарахт — гужумларни сақлаб қолиш ҳаракати бошланган.***

**** Ўқитувчилар етиштираётган ҳосил бозорларни тўлдиришга ҳисса қўшаяпти***

**Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокими Амин ТОЖИЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

— Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётган, миллий давлатимиз шаклланиб, жамиятимиз тубдан ислоҳ қилинаётган бир даврда ўсиб келаётган ёш авлодни зукко, билимдон, бозор иқтисоди талабларига жавоб бера оладиган қилиб тарбиялаш, ўғил-қизларнинг иқтисодий саводхонлик даражасини ошириш бугунги куннинг талабидир.

Элликқалъа туманида ана шу талаб — тамойилга изчил амал қилиняпти, натижада маънавият фақат мактабдан бошланишини халқимиз тушуна бошлади. Бунда, албатта, туман ҳокимлиги, халқ таълими, бўлими қишлоқ фаоллари, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари хизматлари катта бўлаётир.

1995-96 ўқув йилини туман мактаблари (33 та ўрта, 21 та таянч мактаб) юқори кўрсаткичлар билан якунлашди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, келажакда илм масканларида туман бўйича 20-25 фоиз ўқитувчи етишмаслик муаммоси пайдо бўлар экан. Шундан сўнг ҳокимлик, энг аввало, мутахассислар тайёрлаш масаласини қўлга олди. 1996 йил 20 июнда ҳокимликнинг 298/6 рақамли қарори билан «Бўстон» лицейи қошида 11-синф бинисини инобатга олиб, спектакль 1997 йил 1 январдан намойиш этила бошланди.

**(Давоми 2 бетда).**

**Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг қонун-қоидалари билан «Иқтисод сабоқлари»да танишасиз.**

**3-бетга қаранг.**

### ИНТЕРНЕТ INTERNET

### МИНГ ЙИЛЛИК СОАТ

*Япониялик олим Сюнъити-сибата ясаган барометр соат минг йил давомида тинимсиз ишлай олади. Япон тадқиқотчиларининг Антарктидага минг йил муддатга ўрнатаётган ўлчов асбобларини ишлаб чиқиш жараёни олимнинг ихтиросига туртки бўлди.*

### ЧАҚМОҚДАГИ ДАРАЖА

**Мадрид университетининг физик назариётчилари момақалдироқ натижасида ҳосил бўлувчи чақмоқни тадқиқ этмоқдалар. Диаметри бир неча сантиметрдан 5-6 метргача бўлган шарсимон қизғиш чақмоқ ичи ионлашган суюқлик билан тўлиб, ҳарорати + 30 минг даражагача бўлар экан.**

### ГЎДАКЛАР НИМА ДЕЙДИ?

**Дилрабо мусиқа чақалоқларнинг эътиборини тартибсиз мусиқага қараганда икки маротаба кўпроқ тортади. Уларнинг йиғлоқилигини ҳамда ҳаракатчанлигини камайтиради. Гарвард университетида тўрт ойлик 30 нафар гўдакка компьютер икки хил мусиқани галма-гал чалиб тургач, олимлар тажрибалар таҳлили сифатида шундай маълумотни олдилар.**

### ҚЎЛ БИЛАН КЎРИШ

*АҚШ олимларининг тадқиқотларига қараганда, бир қанча ҳайвонларнинг миясига бириктирилган фотоэлементлар уларнинг кўзлари яхшилаб беркитилганига қарамай, мияга ёруғлик кириб бораётганлигини кўрсатди. Шу сабабли инсон ҳам теридаги ёруғлик рецепторлари орқали кўришни ўргана олади, демоқда олимлар.*

МММ ХАБАРЛАРИ

### Қорбобо эртак сўзлайди

*Қува шаҳридаги «Шумтака» кўғирчоқ театрида «Қорбобо эртак сўйлайди» номли спектакл саҳналаштирилди. Саҳналаштирувчи шаҳардаги 2-маданият уйи раҳбари Акром Мадраҳимов бўлиб, у Қорбобо ролини болалар тасаввурида ҳаётий гавдаланишида бор маҳоратини ишга солди. Қорқиз ролини эса Азиза Баротова ижро этди. Мактаб ўқувчиларини қишки таътиллари кўнгилдагидек ўтишини инобатга олиб, спектакль 1997 йил 1 январдан намойиш этила бошланди.*

### Бугуннинг савол-жавоблари

*Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят кутубхонасида «Китоб, ёшлар ва тижорат» мавзуларида савол-жавоб кечаси ўтказилди. Кечада вилоят касаба уюшмаси кенгаши ходимлари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Уларнинг тижорат ва иқтисод ҳақидаги саволларига «Пўлат Алп» фирмасининг раҳбари Пўлат Алпомишов, вилоят тижорат бўлими мудири М. Аҳмедовлар жавоб бердилар. Кеча давомида ўқувчилар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир шахснинг ўз тадбиркорлик ва тежамкорлик билимига эга бўлиши кераклигини оз бўлса-да, англаб етдилар.*

### Саккиз ташкилотнинг саккиз қизи

*Яқинда Избоскан туманида саккизта ташкилотнинг саккиз нафар қизи иштирок этган «Балли, қизлар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Туман маданият уйи ва «Камолот» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу кечада қизлар ўзаро маънавий дунё қарашлари, сўзлашув одоби, бекачилик, касбим-фахрим, мен севган машғулот каби мавзуларда куч синашдилар. Танловда туман маиший хизмат уйи ходимаси Наргиза ҚУРБОНОВА биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. Кеча сўнггида «Камолот» жамғармаси вакили қизларга эсталик совғаларини топширди.*

**Муаллифлар: М.КАРИМОВА, Ф. ЖУМАЕВА.**

МММ ХАБАРЛАРИ

*Мактабга тайёрлов гуруҳларида*

# ЯКШАНБАЛИК МАКТАБЛАРИ

***Юртимизнинг эртанги порлоқ куни ёшларимизнинг билим савияси ва қай даражада тарбияланганига боғлиқ. Ёш авлодни мактабга тайёрлаш ана шу узлуксиз жараённинг дебочасидир. Мухбиримиз Шайхонтоҳур туманидаги Ҳабиб Турсунов номли 186-ўрта мактаб директори Жамолжон Эшбоев ҳамда 568-болалар боғчаси мудираси Феруза Ҳўжаахмедовалар билан суҳбатлашиб, улардан боғчага жалб этилмаган маҳалла болаларини мактабга тайёрлаш ҳамда болалар боғчалари тайёрлов гуруҳларида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

— Бозор иқтисодиёти шароитидаги вақтинчалик қийинчиликлар бошқа соҳалар қатори таълим тизимига ҳам озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Боғча ёшидаги болаларнинг барчаси тарбия масканига жалб қилиняпти, деб айтолмаймиз. Сабаби ота-оналар орасида боғча пулини тўлашга қўллари қисқалик қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун боғчага бормаётган тайёрлов ёшидаги болаларни мактабга ҳозирлаш учун якшанбалик мактаблари ташкил этилди.

**— Кечирасиз, гапингизни бўлганим учун, Жамолжон ака, нима учун якшанбалик мактаби деб номланади ва унинг фаолияти қандай?**

— Якшанбалик мактабида ўқиш февраль ойида бошланади. Унда болалар ҳафтада икки марта уч соатдан шуғулланадилар. Илм масканимизда тайёрлов гуруҳини ўқитиш учун шароит етарли бўлмаганлиги, яъни хона етишмаслиги сабабли болалар зиё масканимиз яқинида жойлашган 568-болалар боғчасида мактабга тайёрланадилар. Якшанбалик мактаби дейилишининг боиси боғча болалари дам оладиган шанба ва якшанба кунларда якшанбалик мактаби болалари боғчада сабоқ оладилар. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб 40 нафар болани якшанбалик мактабига жалб этдик. Болаларни ўқув қуроллари билан тўлиқ таъминладик. Натижа ёмон бўлмади. 1997 йилда якшанбалик мактабида 60 нафар болани ўқитишни режалаштирдик. Бунинг учун қулай шарт-шароитлар, ўқув қуроллари мавжуд. Ўқитувчилари лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича малакаларини оширдилар.

Якшанбалик мактаби фаолиятини 1992 йилда бошлаган эдик. Ўша гуруҳ ўқувчилари 1994-95 ўқув йилида математика ва она тили бўйича ўтказилган шаҳар олимпиадасида II ва III ўринни олдилар. 1995-96 ўқув йилида эса туман бўйича ўтказилган олимпиадада фахрли I ўринни қўлга киритдилар. Мазкур иқтидорли ўқувчилар — Мухлиса Маҳкамова, Муниса Муталибова, Диля Содиқова, Назокат Самадова, Файзулла Умаров, Азиз Холмуҳамедов ва Зулфия Тиловолдиевалар бир ўқув йилида икки синфни тугатдилар. 3-синфдан II чоракда 4-синфга ўтдилар. Ҳозирда улар 6-синфда ўқишмоқда. Бошланғич синфларда ўқув кўп бўлгани учун уларга дам берилди. Имтиҳон ва тест синовларидан муваффақиятли ўтсалар, кейинги йили 8-синфда ўқишларини режалаштираяпмиз. Боғчадаги тайёрлов гуруҳларида тарбияланган болаларнинг кўпчилиги иккинчи синфга тайёр бўлиб келмоқдалар. Шунинг учун якшанбалик мактабида ҳам болаларга кенгроқ, чуқурроқ билим бериб, уларни ҳам 2-синфга ҳозирлаш ниятидамиз. Бу кутилган натижани беради, деб ўйлайман.

**— Якшанбалик мактаби ҳамда боғчадаги тайёрлов гуруҳлари ўқитувчиларига маош қандай тўланади?**

— Якшанбалик мактабида болаларни уларни 1-синфга оладиган ўқитувчиларнинг ўзлари ўқитадилар. Уларга мактабдаги тежалган соатлардан фойдаланган ҳолда ҳақ тўланади.

— Боғчамизда эса болалар шартнома асосида, ота-оналар билан келишилган ҳолда мактабга тайёрланади, — деди боғча мудираси Феруза Ҳўжаахмедова. — Биз 186-мактаб жамоаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Ҳамкорликда, ҳамфикрликда иш юритмоқдамиз. Тайёрлов гуруҳи болаларини мактабнинг тажрибали муаллимаси Дилфуза Шокиржонова мактабга тайёрлаяпти. Боғча болалари она тили, ўқиш, математика, тасвирий санъат, мусиқа, инглиз тилидан таҳсил олмоқдалар. Тайёрлов гуруҳи болалари учун ўқиш ҳафтада уч марта бўлади. Ўқитувчи болаларнинг куннинг иккинчи ярмида бажаришлари учун тарбиячилар — 1-тоифали тарбиячи Матлуба Зокирова, бош тарбиячи Зуҳра Мирқодирова ҳамда ота-оналарга топшириқлар беради.

**— Тайёрлов гуруҳи болалари боғчадан кейин уйда ҳам шуғулланса зерикиб, ўқишдан безиб қолмасмикан?**

— Олти-етти ёшдаги ҳар бир бола ўқишга жуда қизиқади. Шу сабабли улар ўқитувчининг берган топшириғини бажармагунча тинчимайди. Ўтган йили 50 нафар бола мактабга тайёрланган бўлса, бу йил 40 нафар бола тайёрлов машғулотларида қатнашмоқда. Улар 1997 йил май ойигача ўқийдилар. Тайёрлов гуруҳида дастурни яхши ўзлаштирган Зуфар Шарифбоев ҳозир — декабрь ойида 1-синфга қабул қилинди.

**— Қаердаки олға силжиш бор, ўша ерда муаммо ҳам бўлади. Шундай эмасми, Жамолжон ака?**

— Ҳа, албатта. Ҳозир лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси ўқитиляпти. Ана шу асосда кўргазма қуроллари йўқ. Ўзимиз расмли кўргазма тайёрладик. Кўргазма биринчилар қаторида бошқа мактабларда ҳам намойиш қилинди. 1-синфлар учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича 29 та ҳарфга (ҳар бир синфлар учун ҳар хил) расмли кўргазма тайёрланди: Мустақил давлатимиз байроғи, герби ва мадҳияси. Улардаги ёзув жозибали рангларда лотин алифбосида ёзилган. Лекин булар етарли эмас. Биринчи синф ўқувчиларига мос лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ёзилган эртаклар, кичик-кичик қизиқарли ҳикоячалар керак. Шу билан бирга ўқув қуроллари етарли эмас, айниқса, «Алифбе» дарслиги ҳамда «Ўқиш» китоби сотувга чиқарилса, ота-оналар якшанбалик мактаби болалари учун сотиб олишган бўларди.

**— Мазмунли суҳбатларингиз учун раҳмат.**

**Дилбар ХЎЖАЕВА суҳбатлашди.**

*Маорифимиз жонкуярлари*

# ФИДОЙИ ИНСОН РАҲБАР БЎЛГАЧ...

Халқимизда «Иш билганнинг юзи ёруғ» деган ибора бор. Бу иборанинг қанчалик ҳақлигини Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги Янги Бўстон қўрғонида жойлашган махсус мактаб-интернат директори Тангир ака Наврўзовнинг иш фаолиятида кўриш мумкин. Мактаб-интернат 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда йирик илм масканига айланди. Шубҳасиз, режаларнинг амалдаги ютуқлар даражасига кўтаришда раҳбарнинг ўз ишига фидойилиги, тадбиркорлиги, ташкилотчилиги катта аҳамиятга эга. Илм даргоҳининг ўқувчилари кар ва соқов болалар бўлганлиги сабабли уларга таълим ҳамда тарбия бериш, керакли шарт-шароит яратиш анча мураккаб ва мушкул иш. Шу нарсани яхши тушунган директор тинимсиз меҳнат қилиб, барча ишга бош-қош бўлмоқда. Мактаб-интернат биноси яхши таъмирланган, ётоқхоналар озода, ўқув хоналари керакли техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Стадион, спорт зали, кутубхона, компьютер хонаси, радио ва телевизорлар ўқувчилар хизматида.

Малакали мураббийлар ўқувчиларга яхши тарбия ва юқори савияда билим беришга ҳаракат қилишмоқда. Директорнинг уддабуронлиги туфайли ташкил қилинган ёрдамчи хўжалик мактаб-интернатни етарли миқдорда парранда гўшти, сабзавот ва полиз экинлари билан таъминлаб турибди. Қўкат ва сабзавот билан ҳам таъминлаш мақсадида ҳозирда иссиқхона қурилмоқда. Бу ишларнинг амалга ошишида, шубҳасиз, Тангир аканинг меҳнати катта. Яқинда Президентимизнинг Фармони билан Тангир ака Наврузовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони берилди. Бу унвон у кишининг самарали меҳнатига, фидойилигига ҳамда мактаб-интернат жамоаси меҳнатига берилган юксак баҳодир.

**Сафарбой МАМАТҚУЛОВ. Жиззах вилояти.**

# ИЛМ РАВНАҚИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

**(Боши 1-бетда).**

тирувчиларини олий ўқув юртларига тайёрлаш бўйича уч йўналиш (тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими)да бир ойлик ўқиш ташкил қилинди. Халқ таълими гуруҳига муаллимлар етишмаётган «Бухон мерий», «Қирққиз», «Қирққизобод», «Бўстон» деҳқон-фермерлар уюшмаси хўжаликлари ҳудудларида жойлашган мактаблардан ўқитувчилик касбига эътиқоди, иштиёқи баланд ўғил-қизлар танлаб олинди. Бошқа касблар бўйича ҳам худди шундай йўл тутилди. Бу ўқувчиларга илғор ўқитувчилар — математика фани муаллими Қодир Тожибоев (Қозоқ Қурбонов номидаги мактаб), математика фани ўқитувчиси Темур Жақсилиқов (Беруний номидаги мактаб), она тили ва адабиёт фани муаллими Тоҳир Йўлдошев (Чўлпон номидаги мактаб), физика фани ўқитувчиси Шукрулло Вафоев (Қори Ниёзий номидаги мактаб), биология фани муаллими Отахон Ражабов (Қ. Қурбонов номидаги мактаб)лар чуқур таълим беришди. Натижада махсус тайёрланган ёшларнинг 90 фоизи олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиндилар.

Икки йилдан буён иқтидорли ўғил-қизларга алоҳида эътибор берилаётир, уларга туман ҳокимлиги стипендияси бериб келинаётир.

Чет тилларини ўқитиш долзарблиги эътиборга олиниб, илм масканларида мазкур фанлар чуқур ўқитиладиган гуруҳлар очилди. Ҳозир бу гуруҳларда ўқувчилар хорижий тилларни иштиёқ билан ўрганишяпти.

Мактабларда факультатив машғулотлар ҳисобидан ўқувчиларга фермер хўжаликлари уюшмаси ҳақида тушунча бериляпти. Ҳисоб-китоб машғулотларида «Қандай юмушлар амалга оширилганда халқ хўжалиги учун фойдаси катта бўлади?» каби муаммоли саволлар ечими изланяпти. Айни пайтда ҳар бир ўғил-қиз «ФХУ нима?» деган саволга ҳеч иккиланмай жавоб беради. Айни пайтда ўқувчилар ҳокимликдаги махсус гуруҳ синовларидан муваффақиятли ўтмоқдалар.

Кичик ёшдаги ўғил-ғизлар ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Ҳозир 5 та мактабгача тарбия муассасаси тўлиқ ишлаб турибди. Қувонарлиси, 1996 йил сентябрь ойи охирларида Тошкентдаги «Электроаппарат» ҳиссадорлик жамияти биносида ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловида туманимизнинг 4-«Шодлик» болалар боғчаси жамоаси «Амир Темур навкарлари» композицияси билан қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Бундан ташқари, 24-ҳунартехника билим юрти ҳамда 25-ҳунар лицейида қишлоқ хўжалигига, ФХУга, «Элтекс» тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятига шартнома асосида кадрлар тайёрланаяпти. Ҳокимликда ёш мутахассислар ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Масалан, икки йил давомида «Элтекс» тўқимачилик ҳиссадорлик жамиятидан 25 минг ўқувчига бепул кийим-кечак олиб тарқатилди.

Янги йилда ўтган йилдагидек, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, ўқув масканларини зарур анжомлар билан таъминлаш, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳар доим эътиборимизда бўлади. Яқинда ҳокимлик томонидан «Бўстон» лицейига компьютер мажмуасини олиш учун 160 минг сўм ажратилгани фикримиз далилидир. Хуллас, туманда ўғил-қизларни «Ҳаётга тайёрлаш» дастури муваффақиятли амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони асосида ҳам туманда бир қатор ибратли ишлар қилинди. Фармонга кўра, ёшларимизнинг онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни дунёни ҳайратга солган қадимий ёдгорликлар ва мустақиллик даврида бунёд этилган улкан иншоотлар, маърифат масканлари, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам таништириб бориш учун махсус таништирув ташкил этиш, бу иш барча ҳокимлар зиммасига юкланган.

Биз шу асосда «аъло» баҳога ўқийдиган, Ватан рамзларини ва мадҳиясини яхши биладиган ўғил-қизларнинг бир гуруҳини Тошкент шаҳрига саёҳатга юбордик. Йўл харажатлари ҳокимлик ҳисобидан бўлди. Сафардан қайтган ўғил-қизлар билан анъанавий суҳбат ўтказилди. Суҳбат асносида уларнинг шу Ватанда яшаётганликларидан фахрланиш, ғурур ҳиссини туйганини сездик. Бизга алоҳида меҳр билан қарашганини пайқадик.

Меҳр — улкан туйғу. Ана шундай туйғулар билан камолга етган фарзандлардан Ватанини қўриқлагувчи Алпомишлар, тарихини эъзозлайдиган мард ўғлонлар етишиб чиққанини халқ педагогикаси тасдиқлаган. Биз ишимизни шу йўсинда давом эттирамиз.

Туман ҳудудида ҳамда мактаблар қошида боғ-роғлар яратиш масаласи ҳам ҳокимликнинг доимий назоратида турибди. Ҳозир Элликқалъада Хоразм ва Жанубий Қорақалпоғистон табиатига хос ноёб дарахт — гужумларни сақлаб қолиш ҳаракати бошланган. Гужум тупроқ таркибий тузулишини яхшилайди. Шу билан бирга гужумнинг инсон саломатлигига фойдаси жуда катта. Шу боис туман ҳудудига 2500-3000 туп атрофида гужум ниҳоллари ўтқазилди. Мактабларга қарашли ерларда боғлар, тераклзорлар барпо қилинди.

Ўқитувчилар бўш вақтларида ўзларига ажратилган 25 сотихли ердан унумли ҳосил олиш технологиясини ишлаб чиққанлар. Улар етиштирган ҳосил маълум миқдорда бозорларимизни тўлдиришга ҳисса қўшяпти.

Айни кунда туманимизга ташриф буюрган меҳмонларда элликқалъаликлар бой яшашади, деган тушунча пайдо бўлаяпти. Улар буларнинг ҳаммасига илмга катта эътибор бериш, тадбиркорлик, ҳамжиҳатлик билан иш тутиш, давр масъулиятини чуқур ҳис этиб меҳнат қилиш натижаси, самараси, деб баҳо беришса, назаримизда, анча мақбул иш бўлади.

**Курбонбой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.**

ЎЗБЕКИСТОН — МИСР:

# ТАЖРИБА АЛМАШУВЛАР

**Миср Араб Жумҳурияти Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тараққиёт жамғармасининг таклифига биноан Меҳнат вазири Оқил Обидов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳайъати Қоҳирага ташриф буюрди. Миср Араб Жумҳурияти бош вазирининг муовини — қишлоқ хўжалиги вазири доктор Юсеф Вали ҳайъатни қабул қилди.**

**Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорликларни янада кенгайтиришга икки тарафда ҳам кучли интилиш мавжудлиги қайд этилди.**

**Учрашувда Миср Марказий Осиё давлатлари билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқотлар бўйича тажриба алмашишга тайёр эканлиги ҳам айтилди. Мисрнинг кучли навли буғдойлари Ўзбекистонда муваффақиятли синовдан ўтганлиги қайд этилди.**

**Ўзбекистон Республикаси ҳайъати аъзоларининг Миср Араб Жумҳурияти Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий тараққиёт жамғармаси бош котиби доктор Хусайн ал-Ғаммад, меҳнат ресурслари ва миграция вазири ал-Амавий, бош статистика бошқармаси раиси Иҳоб Улвий билан учрашувларида ижтимоий сиёсат соҳасида фикр-мулоҳазалар алмашилди ҳамда бундан буён ҳам икки мамлакат ўртасида ҳамкорликларни давом эттиришга келишиб олинди.**

**Ўзбекистонлик меҳмонлар Асуан ва Дахалия вилоятларида бўлиб, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар билан танишдилар.**

**Раҳимжон ҚОДИРОВ. «Жаҳон» Ахборот агентлиги.**

*Диққат, тажриба!*

# БИЗНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИМИЗ

Сир эмаски, барча олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқувчилар билимини синашнинг янги усули — рейтинг тизими кенг қўлланила бошланди. Ҳар бир янгилик қийинчилик билан ўз йўлини топганидек, бу услуб кўпгина машшоқату тушунмовчиликлар оша одимламоқда. Ҳар бир ўқув юрти томонидан рейтинг тизимининг турли-туман усуллари тузиб чиқилмоқда. Очиғи, айрим жойларда эса рейтинг тизимининг мураккаб вариантларидан фойдаланиш ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида бу давр янгилигига нисбатан норозилик пайдо бўлишига, қизиқишнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабли рейтингнинг соддалаштирилган, барча ўқувчилар учун тушунарли, ўқитувчилар учун якуний баҳо чиқаришда қулай бўлган вариантини топиш ва қўллаш вақти етди деб ўйлайман. Рейтинг тизимини қўллаш эса ўқув жараёнига тубдан ўзгартириш киритишни тақозо этади. Коллежларда, ўрта ва олий ўқув юртларида **кунлик назорат (КН)** тушунчасидан воз кечиб, ўрнига **жорий назорат (ЖН)** тушунчаси киритилмоғи лозим. Маълумки, ҳозиргача коллежларда, ўрта махсус билим юртларида назарий дарснинг 10 минутдан 35 минутгача вақти ўқувчиларнинг билимини синаш учун сарфланади. Шунда ҳам 3 тадан 8 тагача ўқувчи баҳоланади, холос. Менинг фикримча, назарий дарсларда ўқитувчи вақтдан унумли фойдаланиб, ўқувчиларга кўпроқ янги тушунчалар берса, янги маълумотлар ва ахборотларни баён этса, турли масала ва мисоллар ишлаш учун сарфласа, самарадорлик янада ошган булур эди. Бу фикрга айрим ўқитувчилар томонидан норозилик пайдо бўлиши, «агар ўқувчиларни ҳар куни баҳолаб, билимини назорат қилиб борилмаса, улар фанни чуқур ўзлаштира олмай қоладилар» деган фикрни билдиришлари мумкин. Бундай иккиланишларга асос йўқ. Чунки, аввало, шуни унутмайликки, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётганлар тест синови орқали танлаб олинган иқтидорли, фикр қамрови кенг ёшлардир. Қолаверса, бизнинг Тўрақўрғон шаҳридаги ўзбек — турк лицейидаги ўқитиш тажрибаси ҳам бундай иккиланишларга асос йўқлигини кўрсатмоқда.

Рейтинг тизимини қўллашдан мақсад, ўқувчининг мустақил тарзда ўз устида мунтазам равишда шуғулланишига эришиш, ўқув дастурида кўрсатилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашини таъминлашдир. Бунга эса **жорий назорат (ЖН), чегаравий назорат (ЧН)** ва **якуний назорат (ЯН)** орқали эришилади. Жорий назорат ўқувчининг назарий дарс, лаборатория иши, амалий машғулот ва мустақил дарслардаги билимини синаш орқали амалга оширилади. Ҳар бир лаборатория иши, амалий ва мустақил машғулотлардаги ҳар бир ўқувчини ҳар бир машғулотга қатнашишга мажбур этади.

Жорий назорат баллари йиғиндисини шу тарзда рейтинг тизимига солиниши, ҳар бир фан учун алоҳида, ўқув режасига асосланган ҳолдаги рейтинг баллари йиғиндисини ҳосил қилиш имкониятини яратади. Бу эса, табиий, рейтинг балларини 200 ёки 300 балл деб чеклаб қўйиш тажрибасидан воз кечишга олиб келади.

Рейтинг тизимида ўқувчилар билимини синашда чегаравий назорат (ЧН)нинг ҳам аҳамияти катта. У ҳар 6-12 соатдан сўнг режалаштирилиб, бирор булим, боб, қисм ёки мавзу ўтиб булингандан сўнг ўтказилади. ЧН тест синови, семинар ёки ёзма назорат иши усулида ўтказилиши мумкин. ЧНда тест синови учун 5 балдан, ёзма назорат иши учун 10 балдлан ажратиш мумкин.

(ЯН) ўқув йилининг охирида тест синови орқали ўтказилади. Бу назорат учун тест саволлари сонига қараб 40 ёки 50 балл ажратиш мумкин.

Рейтинг тизими орқали ўқувчининг билимини юқорида баён этилган услуб орқали баҳолаш, ҳар бир ўқувчининг билимини чуқур аниқлаш, яъни лаборатория ва амалий дарслардаги оғзаки жавоби, тест синови, ёзма назорат иши, мустақил дарсдаги вазифаларни бажариши, чизмалари, рефератлари ва бошқа ишлари натижаларига асосланган ҳолда баҳолаш имкониятини яратади, ўқувчиларнинг рейтинг балларини тушунган ҳолда тўплаши учун қизиқиш уйғотади ва уларни ҳаққоний тарзда баҳолашга ёрдам беради.

Юқорида баён этилган фикрларнинг янада тушунарлироқ бўлиши учун Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежида ўтиладиган айрим фанларнинг рейтинг баллари тизимини тузиш намуналарини ҳавола этмоқчимиз (жадвалга қаранг):

**Фан — «Чизмачилик»**
**Йиллик дарс соати — 98 соат**
**Шундан:**
**мустақил дарс — 33 соат**

| тартиб № и | Назорат тури ва усули | режада ажратилган соат | назорат сони | 1 та назорат бали | энг юқори тўпланш бали | умумий баллга нисбатан, фоиз |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **I. Жорий назорат** | | | | | |
| 1. | Назарий-амалий дарслардаги иштироки учун | 65 | 32,5 | 2 | 65 | 22 |
| 2. | Мустақил дарсдаги фаолияти | 33 | 16,5 | 5 | 82,6 | 27 |
| 3. | График топшириқлари учун | — | 14 | 5 | 70 | 23 |
| | Жами: ЖН | 98 | 63 | — | 217,5 | 72 |
| | **II. Чегаравий назорат** | | | | | |
| 1. | Тест синови | | 5 | 5 | 25 | 8 |
| 2. | Ёзма назорат иши | | 2 | 10 | 20 | 7 |
| | Жами: ЧН | | 7 | — | 45 | 15 |
| | **III. Якуний назорат** | | | | | |
| 1. | Тест синови 40 та савол | | 1 | 1 | 40 | 13 |
| | Жами ЯН | | | | 40 | 13 |
| | Умумий рейтинг балли | | | | 302,5 | 100 |

«5» баҳо 85 фоиздан 100 фоизгача — 257 — 302,5 балл
«4» баҳо 75 фоиздан 85 фоизгача — 227 — 256 балл
«3» баҳо 55 фоиздан 75 фоизгача — 166 — 266 балл
«2» баҳо 55 фоиздан паст — 166 дан паст.

**Ҳусайн ШАГИАҲМЕДОВ, Тўрақўрғон механика-иқтисодиёт коллежининг олий тоифадаги ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.**

*Мулоҳаза ва таклиф*

# МУСАФФО НИЯТЛАР

*Она табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида кейинги вақтларда тез-тез радио ва телевидениеда эшитиб, газета ва журналларда ўқимоқдамиз.*

*Кейинги вақтларда ҳаводан самолёт билан заҳарли дорилар сепиш, очиқ-ойдин ўткир заҳарли химикатлар билан қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов беришлар кескин камайиб, ҳавомиз тозаланиб, осмонимиз мусаффолашиб бораётганлиги дилни қувонтиради. Айниқса, мамлакатимизда дарахт экишнинг оммавий тус олганлиги инсонларнинг эҳтиёжини қондиришга ҳамда атрофимизни хушманзара қилишга хизмат қилмоқда. Қани энди бундай савобли ишни имконияти бор ҳар бир киши қилса, дарахт экса.*

*Мен Зарафшон дарёсининг Оқдарё ирмоғилаги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсганлигим боис унинг ҳозирги ҳолатини кўриб ачинаман. Она табиатга бўлган тажовузкорлик сулим гўшани тошлоққа айлантириб юборган. Энг аввало, қирғоқларига урилиб, шовқин-сурон билан оқаётган зилол сувидан айрилган дарё аста-секин қирғоқ атрофидаги ўсимлик дунёсидан, ёввойи ҳайвонлари-ю парранда ва дарандаларидан айрилиб, дарё эканлигидан гувоҳлик бергувчи ҳеч вақоси қолмаган.*

*Зарафшон воҳасининг Оқдарё ва Қорадарё оралиғида бўлган ерлар ўтмиш тарихда «Миёнкол» ороли деб номланган. У ҳозирги Оқдарё ва Иштихон туманининг бир қисмини ўз ичига олган ерлар бўлиб, ажойиб табиат манзараси ва ҳайвонот дунёсига эга эди. Ўтмишда боболаримиз дарё атрофидаги дарахтзорларнинг қовжираган шохларини кесиб, ёқиб, кумир тайёрлаб, дарёга сол ташлаб, кумирни Бухорога олиб бориб сотар эканлар.*

*Совет империяси она табиатимизга ҳам даҳшатли қирғин келтирди. Миёнколда яшаган йўлбарс, қоплон, ёввойи тўнғиз, бўри, тулки, шоқол кабилар аста-секин йўқола борди. Паррандаю даррандалар, ўрдак, ғозлар, тустовуқ ва мазали балиқлар қирғинга учради. Натижада уша ҳудудда яшаётган инсонлар соғлиғи бирмунча ёмонлашди. Табиат инқирозга юз тутди.*

*Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан республикамизда маҳалла қумиталари ташкил этилиб, ҳозирги вақтда улар бу борада қўпгина ижобий ишларни амалга оширмоқда. Негаки, ҳар биримиз ўз маҳалламизни тоза тутсак, демакки, улкамизнинг тозалигини таъминлаган буламиз. Мактабларда ҳам табиатни соғломлаштириш ниятида бошланган ишлар яхши. Бироқ кўп ҳолларда доимий назорат бўлмагани боис дарахтлар қуриб, тозалик тартиби бузилиб кетади. Келгусида экилган ҳар бир ниҳол, гул ва майсали ўтларнинг униб-ўсишига доим кўз-қулоқ бўлиб туриш, дилларни яйратадиган манзаралар пайдо бўлишининг бирдан-бир кафолати.*

*Менинг ниятим келажакда ҳар бир мактабда ёш табиатшунослар тўгараги ташкил этилиб, улар жонли ҳаракат қилсалар, биз қариялар уларни қўллаб-қувватлаб, ёшлар ишига бошқош бўлсак. Бунинг учун мактаб билан маҳалла ўртасида доимий ҳамкорлик мустаҳкамланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шахсан мен кексалик нафақасига чиқиш арафасидаман. Республикамиз Халқ таълими вазирлиги ташаббусини қўллаб-қувватлаш учун шаҳардан қишлоққа бориб боғ-роғлар яратиш, ўрмонзору дарахтзорлар ташкил қилишда иштирок этиб, уз ҳиссамни қўшиш ниятим бор. Албатта, ҳавас бу ҳалво эмас, қаттиқ меҳнат ҳавасни амалга оширади. Шунинг учун Оқдарё атрофидаги унумсиз тошлоқ ерлардан 10 гектар ер қуриқхона қилиб берилса, мен невараларим билан шу ернинг табиатига мос дарахту утуланлар устириш ниятим бор. Фақат менинг ниятим қўллаб-қувватланишини жуда-жуда истардим.*

**Раҳмат АҲМЕДОВ, фахрий ўқитувчи.**

*Маданият янгиликлари*

# ИСТИҚЛОЛНИ КУЙЛАЙМИЗ

**Наманган шаҳар маданият бўлими томонидан Ж. Гиёсов номидаги болалар мусиқа мактабида шаҳар маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўртасида «Истиқлолни куйлаймиз» номли кўрик-танлов ўтказилди. Қўшиқ, монолог, рақс жанрларидан иборат бўлган бу танловда Қ. Тешабоев номидаги 57-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги ҳамда марказий маданият уйи қошидаги тўгараклар энг намунали деб топилди.**

**Якка ижрочилик бўйича шаҳар мусиқа билим юрти ўқувчиси Мухтасар Мадалиева рақс ижрочилиги, маданият уйининг ашула тўгараги қатнашчиси Шоҳида Қодирова қўшиқ ижрочилиги бўйича юқори баҳоландилар. Танлов ғолибларига шаҳар маданият бўлимининг фахрий ёрлиқлари топширилди.**

**Садбархон ЖЎРАЕВА.**

*Иқтисод сабоқлари*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан фуқароларимиз мулоқотларида тадбиркорлик, ишбилармонлик, соҳибкорлик тушунчалари (терминлари) тез-тез ишлатиладиган сўзлар бўлиб қолди. Чунки, бу ишлар билан шуғулланаётган кишилар фаолиятлари бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучдир.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик, соҳибкорлик сўзларининг туб маъноси бир хил (синоним) бўлиб—пул топиш мақсадида ва масъулиятни зиммага олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланишдир. Бу фаолият мутасил янги имкониятлар қидириш, маҳоратини ишга солиб, қўйилган вазифаларни бажариш учун турли манбалардан ресурсларни жалб этиш ва ундан фойдаланишга асосланади. Хусусий тадбиркорликда иқтисодий фаолият учун маъмурият эмас, балки жамоа ва шахс масъул ҳисобланади, иш жойида исрофгарчиликка, ноомилкорликка, укувсизликка, ўғриликка йўл қўймайди.

Тарихимизга назар ташласак, миллий қадриятларимиздан асосийлари тадбиркорлик, уддабуронлик, илм-фанга ташналик эканлиги кўзга яққол ташланади. Шу боис, ўтмишда бу соҳада халқимиз тўплаган бой тажрибани қайта тиклаш, шу билан бирга иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги замонавий тадбиркорликни ўрганиш ва улардан фойдаланиш янгича давлат ва жамиятга ўтиш даврининг энг долзарб муаммоларидандир. Ахир «Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги» деб бежиз айтилмаган. Бозор иқтисодиётининг қонун-қоидалари ва сир-асрорларини чуқур англамай, уларга амал қилмай туриб, янги иқтисодиётга ўтиш мумкин эмаслиги ҳам аён.

Маълумки, иқтисодий фаолиятнинг асосий мақсади чегараланган табиий ресурслар, товар ишлаб чиқариш имкониятлари ҳамда кўрсатиладиган хизмат турларини кишиларнинг чегараланмаган талаб ва эҳтиёжларини қондиришни ташкил этишга қаратилгандир. Иқтисодиётнинг асоси бўлган ишлаб чиқариш учун зарур ресурслар қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат ресурслари (инсон ресурси).
2. Ер ва бошқа табиий ресурслар.
3. Капитал (пул) ресурси.

Бу ресурслардан фойдаланиб, зарур бўлган тўртинчи, кенг маънодаги товар (моддий неъматлардан ташқари хизмат турлари, интеллектуал, ижодий ва бошқа турдаги товар ) ресурсларини барпо этиш бўйича кўрсатиладиган фаолиятни тадбиркорлик десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Республикамизда мустақилликнинг ўтган беш йили давомида тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, унга йўл очиб берадиган қонун, қарор ва фармойишлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» қабул қилинган Қонун тадбиркорларни иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорликнинг бошқа корхона ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади. Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир. Мазкур ҳужжатлар мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

Қонунга биноан тадбиркорлик — мулкчилик субъектларини фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир.

Мамлакатимизда тадбиркорлик мулкчилик нуқтаи назаридан турлича ташкил этилиши мумкин:

— тадбиркорнинг шахсий мулки асосида;

— тадбиркорларнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулклари турли шаклларда жалб этилиши асосида;

— тадбиркорларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

— юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ёки бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишга асосланиши мумкин.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш учун зарур бўлган бу қонунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари белгилаб қўйилган. Улар қуйидагилардан иборат:

— қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

— тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулотини тақсимлашдаги мустақиллиги;

— тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлиги;

— тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

— даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан моддий жавобгарлиги кўзда тутилган.

Фуқаро, фуқаролар гуруҳи (шериклар), меҳнат жамоалари ҳамда ажнабий давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар, аралаш мулк субъектлари ҳам тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик якка меҳнат ёки айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнатга жалб этиш асосида, жамоа тадбиркорлиги ҳамда мулкий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида шаклланган бўлади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиши мумкин.

Ўзбекистон тадбиркорлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1. Қонунда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш.

2. Тадбиркор турли даражада жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш.

3. Ўз фаолиятини бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосда жалб этиш.

4. Қонунларга мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш.

5. Тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш.

6. Қонунларга мувофиқ ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш.

Ўз навбатида тадбиркорларнинг белгилаб қўйилган мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

— тадбиркорнинг амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

— ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар)тузиши;

— ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;

— ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;

— қонунларга мувофиқ махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касбкори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши шарт.

Тадбиркорнинг масъулияти уни мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарлиги билан чегараланган-гандир. Шунингдек тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолотлари ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Умуман, Ўзбекистонда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар учун етарли имкониятлар яратилган. Бу соҳадаги ўсиш суръатларини замон талабига мос равишда, кўнгилдагидек ривожлантириш куннинг долзарб масаласидир. Шунинг учун Республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлисларида мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан рағбатлантириш масалалари муҳокама этиб бориляпти, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Зотан мамлакатимизда шахсий мулк эгаларига кўз олайтириш, уларга ҳавас билан эмас, балки ҳасад билан қараш, турли текшириш ва ков-ковларни уюштириб, ундан манфаат қидириш иллатлари, тадбиркорлар очмоқчи бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш бўйича оворагарчиликлар ва бошқа тўсиқлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мавжуд камчиликларни тугатишга, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини янада ривожланиб кетишига йўл очди. Мазкур қарор билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида»ги Низомга асосланиб жуда кўп хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади. Бу эса нодавлат ишлаб чиқариш секторини ривожланишига, моддий неъматларнинг кўпроқ ва сифатлироқ яратилишига ва пировард натижада халқимиз турмуш даражасини оширишга ижобий таъсир этмоқда.

**(Давоми бор)**

**Муртазо СУЛТОНОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент.**
**Ёрқин МУХИБОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди, доцент.**

*Ҳунарли хор бўлмас*

# УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Эртанги кун кишисини билимли қилиб шакллантириш баробарида гўзал ахлоқ ҳамда ажойиб ҳунар эгаси этиб етишишида мактабдан ташқари муассасаларининг аҳамияти катта. Андижон вилояти ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази, унинг шаҳар ва туманлардаги шохобчаларида ана шу катта вазифани бажариш йўлида кўплаб тажрибали устоз ва мураббийлар меҳнат қилмоқдалар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги вилоят «Ўқувчи-ёшлар техника ижодиёти маркази» халқ таълимининг ўзвий қисми бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1995 йил 13 октябрдаги 401-сонли қарорини бажариш борасида ҳарбий кучларга техник мутахассислар ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган техник кадрлар тайёрлаш, ўсмир-ёшларнинг ахлоқий ва жисмоний камол топишларига асосий эътиборни қаратишмоқда.

Бугунги кунда 11 та шаҳар-туманларда техник марказлар фаолият кўрсатиб, уларда 44 йўналиш бўйича 5 мингга яқин ўғил-қиз техника сирларидан бошланғич маълумотлар олмоқда. Тўгаракларимиз иштирокчилари 1996 йили Республика миқёсида ўтказилган тадбирлардан «Иқтидорли болалар слёти», «Кино-фото» фестивали, «Автомоделлаштириш ва Ракетамоделлаштириш» бўйича мусобақаларда қатнашиб, вилоят шарафини ҳимоя этишди. Авиамоделлаштириш бўйича ўтказилган «Осиё кубоги» халқаро турнирида вилоятимиз вакиллари иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар.

Республика мустақиллигининг 5 йиллигига атаб Тошкентда ўтказилган болалар техник ижодиёти кўргазмасида болалар тайёрлаган макет, модель, техник ўйинчоқлар ва миллий ҳунармандчилик ишлари билан қатнашдик.

Юқоридаги ютуқларни қўлга киритишда ўз касбининг усталари, ўз устида тиним билмай меҳнат қилаётган устозлардан «Сураткашлик» тўгараги раҳбари Одилжон Деҳқонов, «Киноҳаваскорлик» тўгараги раҳбари Йўлдошбой Ҳожиматов, «Кулолчилик» тўгараги раҳбари Илҳомжон Турдиев, «Моделист-конструктор»тўгараги раҳбари Игор Борисович Волгин, Шаҳрихон шаҳар «Моделист-конструктор» тўгараги раҳбари Абдусалом Имяминов, «Авиомоделлаштириш» тўгараги раҳбари Қўшақов Ойбек, «Техник ўйинчоқлар тўгараги» раҳбари Ҳамида Абдурашитовалар номини тилга олиш мумкин. Шунингдек вилоят техник ижодиёти марказининг шаҳар ва туман шохобчаларида ҳам «Бошланғич техник тўгараклар фаол иш олиб борилмоқда». «Ёш тадбиркор ва ишбилармонлар, «Ёш менежер», «Электрон ҳисоблаш техникаси» каби тўгараклар да болалар замонавий билим ва касбларни ўрганишмоқда.

**И. МУҲАММАДХОНОВ,**
**Андижон вилоят ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти вилоят маркази директори.**

Суратларда:

● «Картинг» тўгарагида машғулот пайти.

● Асакалик ёш моделист-конструкторлар иш устида.

*Мозийга назар*

# ШАҲРИМ ТАРИХИ

***Инсон дунёга келиб дастлаб она алласини тинглаганида унинг қалбига муқаддас бир туйғу оқиб ўтади. Бу туйғу она, азиз юрт тушунчасини кенгроқ англатиб, инсонни ватанни севишга, уни ардоқлашга даъват этади. Унинг тарихини, элининг қадриятларини кўз қорачиғидай асрашга ҳаракат қилади. Зеро тарихни билмай туриб, келажакка умид қилиш мантиқсизликдир. Шу боис биз ҳам ушбу мақоламизда тарихимизга бир оз назар ташламоқчимиз.***

***Беруний шаҳрининг дастлабки номи «Қиёт» бўлганлиги тарихдан маълум. «Қиёт» ёки «кат» сўзи қадимги Эрон терминологиясида девор билан ажратиб олинган катта ҳовлини билдиради. Ўрта Осиёда кенг тарқалган қишлоқни англатувчи «кат» атамаси, шубҳасиз, ибтидоий даврда «кад», «кат» ёки «катта» атамасидан келиб чиққан. Демак, қадимда шаҳар Хоразм кати деб ҳам аталган.***

***Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни маъсудий» асаридаги бир жадвалда шаҳар «кат» тарзида берилади. Унинг ёзишича, Қиёт шаҳри милоднинг 9 асрида Хоразм шоҳларидан бири бўлган Африк томонидан бунёд этилган. Берунийнинг қўлёзмаларидан бирида Қиётнинг 994 йилда сув остида қолганлиги қайд қилинган.***

***996 йилда Маъмун ибн Муҳаммад Қиётни босиб олиб, пойтахтни Урганчга кўчирди. 1017 йилда Хоразм Газнавий давлати таркибига қўшиб олинади ҳамда кўплаб аллома ва санъат аҳллари Газнага кетишади. Улар орасида бобокалонимиз Беруний ҳам бор эди.***

***Ижтимоий-иқтисодий вазиятлар туфайли таназзулга юз тутган Қиёт ўрнида ўрта асрларда кичик бир шаҳарча қолади. Лекин унга ўқимишли ҳоким Шайх Аббоз Вали раҳбарлик қилганида бир қадар равнақ топади. Шунинг учун ҳам ўша пайтлари ва кейинчалик бу шаҳар Шох Аббоз, яъни Шаббоз деган ном олади. XIX аср 70 йилларининг биринчи ярмида Шаббоз чор Россиясининг бир волостига айланади. Шаҳар ва волост номи Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам сақланиб қолди. Фақат Қорақалпоғистон Мухтор вилояти ижроия қўмитаси Раёсатининг 1927 йили 3 июнь қарорига биноан Шаббоз волости «Бибозор» волости билан қўшилиб, 1928 йили 6 февралдан эътиборан Шаббоз райони бўлиб тузилди. Район маркази ҳам шу ном билан юритила бошлади. Собиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президумининг 1957 йил 4 июлдаги фармонига биноан шу ҳудудни ўз ичига олган район ва унинг маркази буюк бобокалонимиз Беруний номини олди.***

**Шуҳрат АННАЕВ,**
**ТошДУ журналистика факультети,**
**Халқаро журналистика бўлими II курс толиби.**

*Маънавият сарчашмалари*

# ҚАДРИЯТЛАР ЎЗИМИЗНИКИ

Жамият тараққиёти, инсон ҳаётида фарзанд тарбияси, унинг камолоти доимо диққат-марказда бўлиб келган. Бугунги мактаб ўқувчиси эртанги жамият эгасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, келажагимиз ўғил-қизларимизга бераётган таълим-тарбияга боғлиқдир.

Тажрибадан маълумки, одоб бор жойда маънавият бор. Одоб-аҳлоқ қоидалари бузилса, унга риоя қилинмаса, ўша жойда пароканда-лик юз беради. Катталар кичикдан, ота-оналар фарзанддан дили озор топади. Қонунбузарлик, ур-йиқитларнинг бош сабаби ҳам одобсизликдир. Булар ҳаммаси инсоннинг одоб-ахлоқ деган бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлишни тақозо этади. Демак, одамийликнинг олтин калити инсон ҳаётининг бебаҳо безаги бўлмиш одобга эҳтиёж каттадир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши бўлсин, деб орзу қилади.Бироқ биргина ота-она орзуси билан унинг дилбанди рисоладагидек инсон бўлиб камол топавермайди. Ўша яхши тилакларга тарбия деб аталмиш шарафли ва машаққатли жараён ҳам ҳамоҳанг бўлиши керак. Маълумки, таълим-тарбия дейилган энг мўътабар соҳа, ундан инсонни баҳраманд қилувчи мактаб деб аталмиш муқаддас даргоҳ совет жамияти даврида қадрсиз ва қашшоқ ҳаёт кечирди. Мактабга жамиятдаги энг муҳим соҳа деб эмас, шунчаки, зарурий иш деб қаралди. Мактаб-маориф учун мамлакат «дастурхони»дан ортганини берувчи қолдиқ томонидан фойдаланилди, жаҳондаги таълим тизимларига нисбатан энг кам миқдорда маблағ ажратган ҳолда «бизда таълим бепул» деб жар солинди. Таълим-тарбия мазмуни бир ёқлама бўлиб, миллийлик, ўзига хосликдан, умуминсонийликдан йироқ бўлиб қолди.

Эндиги вазифа эътиборни маънавиятимизга, ўзлигимизга қайтишдан иборатдир. Бу ўринда «Одобнома» дарслигининг жорий этилиши ва унинг ўқитилишига жиддий эътибор берилиши, бу хил дарслар бўйича ўқувметодик адабиётларни етарли чоп этиб, бу муҳим дарсни самарали ўқитишга эришилиши катта аҳамият касб этади.

Одоб шундай ноёб хусусиятки, у ҳар бир инсонни бахту саодатга элтади, мурод мақсадига етказади. Шунинг учун ҳам унга ота-боболаримиз қадим-қадимдан алоҳида эътибор бериб келишган. «Бола бошидан, ўғлон ёшидан», «Бола азиз, одоби ундан азиз», «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикматларнинг мағзини чақиб кўрайлик.

Мустақиллик шарофати билан республикамиз таълим-тарбия муассасаларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилиб, ўқувчи-ёшларга «Дин тарихи», «Экология асослари», «Иқтисод сабоқлари», «Саломатлик дарслари», «Одобнома» каби дарслар ўқитила бошланди.

«Одобнома»ни маънавият дарслари деса ҳам бўлади. Чунки, «Одобнома» фани ўқувчи-ёшларга миллий қадриятлар, ўзбекона одоб-ахлоқ қоидалари, урф-одатлари, удумлари, маданияти ва маърифати, халқ тарбияшунослигини тарғиб қилади. Бу эса ёш авлод маънавиятини шакллантиришда бош омилдир. «Одобнома» фани учун ўқув-методик адабиётларнинг яратилиши ҳақида шуни айтишим мумкинки, уч гуруҳдан иборат муаллифлар таркиби тузилди. Унга республикамиздаги йирик олимлар, амалиётчи ўқитувчилар ва тажрибали методистлар жалб этилди. Муаллифлар гуруҳи тасдиқланди.

«Одобнома» фани дастлаб тажриба сифатида Х синфларда ўқитила бошланган экан, демак, биринчи навбатда шу синф учун асл нусхали ўқув-методик адабиётлари зарур бўлди. Тезликда бу масала ҳал этилди. 10 синф учун О. Тўраева, Т. Қурбонов ва камина томонидан «Одобнома» дастури яратилиб, чоп эттирилди.

Зудлик билан республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида махсус ўқиш ташкил этилди. Тажриба яхши натижалар бера бошлади. Оқибатда 1992/93 ўқув йилидан бошлаб «Одобнома» дарслари 1-11 синфларда ўқитишга киришилди. Шу синфлар учун дастур, ўқув қўлланмалар яратила бошланди. Дарс ўқувчиларда ҳам қизиқиш уйғотаётганига кўпчилик амин бўлди.

Демак, ҳозирги кунда «Одобнома» фани учун ўқув-методик адабиётлари мавжуд. Дарсликлар 100 минг нусхадан, дастурлар 500 нусхадан чоп эттирилган. Ундан таълим-тарбия муассасаларида фойдаланилмоқда. Халқимиз қадриятлари кўп, бой, туганмас хазина деса ҳам бўлади. Ана шу хазинанинг султонлари — Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ат-Термизий, Имом Ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Амир Темур, Улуғбек Мирзо, Мирзо Бобур, А. Авлоний кабилардир. «Одобнома» ўқув-методик адабиётларида ўзбек халқининг ноёб фазилатлари ўз ифодасини топган. Уларда «Ота-онанг — давлатинг», «Устоз — отангдан улуғ», «Савоб ва гуноҳ нима?» «Ота-онанг — тожу тахтинг», «Саломлашиш одоби», «Яхши сўз — жон озиғи», «Ватан — муқаддас туйғу», «Ватан остонадан бошланади», «Қиз бола онанинг малҳами жони», «Қизлик шаъни ва йигитлик ғурури», «Озодалик одоби», «Зарарли одатлардан сақланиш одоби», «Ҳунар-ҳунардан унар», «Нонни эъзозлаш одоби», «Ўспиринлик одоби», «Камтарга камол» каби мавзулар атрофлича ёритиб берилган.

Ҳозирги пайтда «Одобнома» фанини ўқитиш бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш керак. Бу фан дарсларини ўқитишда муайян тажрибалар тўпланди. Тошкент шаҳридаги 41, 59, 73, 121, Фарғона, Наманган вилоятларидаги кўпгина мактабларда тажриба-синов машғулотлари ўтказилди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, «Одобнома» фанини тажриба-синовдан ўтказишда, айниқса, Тошкентдаги 41-мактаб маъмурияти педагогика жамоаси бой тажрибага эга.

Фарғоналик маорифчи Турсунали Қурбоновнинг «Одобнома» бўйича иш тажрибаси «Туркистон», «Маърифат» газеталари, «Ёш куч» журнали, радиотелевидение орқали ёритилди. «Одобнома» фани ўқитувчилари малакасини ошириш тизими бўйича халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида курс ташкил этилиб у мунтазам ишлаб турибди.

Президентимиз И. Каримовнинг маънавий баркамолликни таъминлашга қаратилган кўрсатмалари ҳар биримиз учун дастурилмалдир. Демак, маънавиятга ҳар биримиз эҳтиёж сезамиз. Маънавиятсиз келажак йўқ. Келажагимиз эса мактабдадир.

**М. ТУРОПОВА,**
**республика Таълим маркази бўлими мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.**

*Эълон*

# ОТА-ОНАЛАР, ФУҚАРОЛАР, ИДОРАЛАР ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

**Маълумки, республикамизда 1997 йил — инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби таълимда ҳам меҳнаткашларга, педагогик жамоаларга зарурий қулайликларни яратиш, уларни қизиқтирган саволларга аниқ, пухта жавоб бериш, юзага келган муаммоли масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, камчилик ва нуқсонларни тезкорлик билан бартараф этиш, таълим муассасалари, ота-оналар билан ўзаро ахборотлар алмашувни яхшилаш мақсадида халқ таълими вазирлиги қошида ахборотлар қабул қилиш ва узатиш бўйича телефон алоқалари йўлга қўйилди.**

**Алоҳида шахслар, фуқаролар, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари ўзларини қизиқтирган масалалар, муаммолар, ахборотлар билан ҳар ҳафтанинг жума куни соат 9.00 дан 19.00 гача Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги телефонларига мурожаат қилишлари мумкин:**

**Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Хоразм вилояти — 39-13-41.**
**Бухоро вилояти, Навоий вилояти — 39-46-48**
**Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти — 39-40-97**
**Наманган вилояти, Фарғона вилояти — 39-40-90**
**Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти — 39-19-70**
**Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти — 39-10-44**
**Тошкент шаҳар — 39-19-69**
**Янги турдаги ўқув муассасалар — 39-19-59**
**Мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйлари — 39-10-88**

**Ахборот ва маълумотларингизни кутамиз.**

**Халқ таълими вазирлиги**
**Умумий ўрта таълим бош бошқармаси.**

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

# «НАВРЎЗ»ДА ҲАМИША НАВРЎЗ

«Наврўз» болалар боғчаси Б[illegible]ристон туман маркази — Ғ[illegible]м қишлоғининг қоқ ўртасида жойлашган. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган икки қаватли кичкинтойлар маскани 140 ўринга мўлжалланган.

Бир неча йилдирки, боғчада турли хилдаги мевали дарахтлар ҳосил бераётир. Тарбиячилар экқан йигирмадан ортиқ анвойи гулларнинг муаттар бўйи кичкинтойлар масканига хуш кайфият бағишлаш билан бирга файз қўшиб турибди. Ҳар йили 1 гектардан ортиқ майдонга экиладиган қовун-тарвуз, помидор, бақлажон, карам, сабзи сингари маҳсулотлар болажонлар дастурхонини тўкин этмоқда.

Утиш давридаги вақтинчалик қийинчиликлар айни бир пайтда мактабгача тарбия муассасаларига ҳам озмунча бўлса-да, ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Ота-оналар боғча пулини тулай олмаганликлари сабабли, тарбия масканида болалар сони 60 тага тушиб қолди. Аҳил жамоа бу ҳолдан асло чучигани йўқ. Улар турли йўллар билан тарбияланувчилар сонини кўпайтириш, ота-оналарга иқтисодий ёрдам кўрсатиш йўлларини изламоқдалар. Бунинг учун етиштирилган ҳосилнинг ортиқча қисмини сотиш ҳамда бичиш-тикиш ишлари йўлга қўйилди. Айниқса, ишки йилдирки, боғчанинг тадбиркор тарбиячилари гиламчилик тугарагини ташкил қилдилар. Улар арзон нархда жун олиб, гилам тўқий бошладилар. Боғча жамоаси аниқ режа асосида ҳар икки ойда тўқилаётган бир дона бежирим гиламни кимошди савдосига қўйиб, кўп болали, кам даромадли оилаларга иқтисодий ёрдам кўрсатаётганлиги дилларни қувонтирмоқда. Бу ташаббус бугунги кунда туман бўйича қулоч ёймоқда.

Кичкинтойлар гўшаси ҳамиша озода, ҳамма нарса саранжом-саришта. Болажонлар ҳам, ходимлар ҳам йилда икки марта тиббиёт кўригидан ўтказилади. Тарбия масканига ишга кирувчилар аттестация йўли билан шартли равишда қабул қилинади. Олти ой давомида белгиланган шартни бузганлар ўзўзидан ишдан озод қилинади.

Боғчада тарбияланувчилар учун барча қулайликлар муҳайё: ўйинчоқлар, лой ва ёғочдан турли буюмлар ясаш, ўқиш ва ёзишга ўргатиш, уйин, ашула, расм чизиш, нутқ ўстириш, мактабга тайёрлаш борасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси билан таништириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Қурбоной Янгиева, Мусаввира Галиева, Ойсона Жаниева каби жонкуяр тарбиячиларнинг иш тажрибалари бошқаларга намуна бўлаётир. Жумладан, Қ. Янгиева бир неча йилдан бери туман «Тарбиячи» кўрик-танловида 1-ўринни эгаллаб, вилоятда фахрли ўринларга сазовор бўлиб келмоқда. Булар январь, март, август ўқитувчи-тарбиячиларнинг кенгашларида ўзларининг сермазмун маърузалари билан қатнашиб, боғчани методик марказга айлантирдилар. Шунинг учун ҳам барча мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар йигинлари айнан шу масканда ўтказилаётир.

Болажонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларни касбга меҳр ва она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги дастлабки одимлар ўз самарасини бермоқда. Бирон-бир кўрик ёки йиғин йўққи, «Наврўз» кичкинтойлари қатнашмасин. «Узбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида улар ҳокимликнинг фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Кези келганда айтиш жоизки, туман ҳокими Ҳайит Тожиев ташаббуси билан боғчаларга амалий ёрдам кўрсатилаётир. Жамғарилган фондлан боғчаларга моддий кўмак берилаётир. Бу айни пайтда қўлланган тажриба — ижобий усулдир. Шунингдек, спорт мактаби, лицейларнинг очилиши нур устига нур бўлди. Халқ таълими бўлими боғчаларни тажрибали мактабларга бириктириб қўйди. Улардаги тозалик, иситиш, кўмир, озиқ-овқат, сув билан таъминлаш, ойлик маошни биринчи бўлиб боғча тарбиячи-хизматчиларига бериш режалаштирилган. Тажрибалиларни 1000-1500 сўм пул билан мукофотлаш кенг йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, туб ўзгаришлар юзага келмоқда.

Ҳа, «Наврўз»да ҳамиша Навруз бўлсин!

**Асрор ҚИЛИЧЕВ,**
**Қашқадарё вилояти**
**Баҳористон**
**туман халқ таълими**
**бўлими ходими.**

## ҒАМХЎРЛИК

**Ангрен шаҳридаги 8-болалар боғчасининг Мунира Қодирова мудиралик қилаётган тарбия масканида 132 нафар ширинтойлар тарбияланади. Бу маскандаги 12 та гуруҳдан 4 таси ясли бўлимларидан иборат. Боғчага Ангрен шаҳар босмахонаси ҳомийлик қилади. Масканда спорт ва ўзбек тили йўналиши бўйича чуқур тарбия берилади. Айни пайтда, боғчанинг ўз боғи бўлиб, боғни асосан тарбияланувчиларнинг ўзлари парвариш қиладилар. Ёзда эса болаларнинг меҳнат маҳсули бўлган олма, олча, гилос, узумлар ўз дастурхонларини тўлдиради.**

**20 нафар малакали тарбиячилари бўлган боғчада ҳар йили 42 нафар жажжи кичкинтойлар мактаб қучоғига кузатилади.**

**Даврон АҲМАД.**

**СУРАТДА: ўз касбининг фидойиси — тарбиячи Сожида Турғунбоева кичкинтойларга ўзбек тилидан машғулот ўтказмоқда.**

**Муаллиф олган сурат.**

*Спорт*

# ТАИЛАНДЛИКЛАР «ХЎРОЗ МИНДИ»

***Янги йил арафасида Таиланднинг Бангкок шаҳрида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари 2-Бутунжаҳон фестивали бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 44 мамлакатидан келган спортчилар ўз миллий ўйинларини кўрсатишди. Фестивалда биринчи маротаба иштирок этган юртдошларимиз ўзбеклар ҳам миллий спорт турлари ва ўйинларига бой эканликларини намойиш этишди.***

***Мен Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш мақсимида делегация раҳбари Турдиали ака Усмоновга Турдиали ака қандай бўларкин, бизнинг спортимизни қандай қабул қилишаркин, деб савол берганимда у киши ҳеч хавотир олманг. Биз турғунлик даврида юзага чиқмаган миллий ўйинларимизни, қолаверса, бутун жаҳонга машҳур бўлган бобомиз Амир Темурдан мерос қолган «Турон» кўл жанги санъатини олиб кетаяпмиз. Худо хоҳласа, ота-боболаримизнинг руҳлари қўллаб-қувватлайди. Юрагим сезяпти, деб айтган эдилар. Мана, юртдошларимиз узоқ Таиландда бор маҳоратларини намойиш қилиб, ёруғ юз билан қайтиб келдилар. Биз Турдиали акадан сафар таассуротлари ҳақида сўрадик:***

***— Бизни Бангкокда жуда яхши кутиб олишиб, барча шарт-шароитларни яратиб беришди. Аэропортдан тўғри меҳмонхонага етиб келганимизда унинг пештоқида 44 мамлакат байроғи ҳилпираб турарди. Улар орасида Ўзбекистонимиз байроғи бизга янада куч-қувват, далда берди. Бу манзарани кўриб одамнинг кўзига беихтиёр ёш келиб кетар экан. Мустақил давлат вакили эканлигингдан ғурурланиб кетар экансан.***

***Ўша куни фестиваль конференцияси бошланди. Конференция раҳбари барча қатнашчиларни таништириб, қайси давлат вакиллари қаерда, қайси вақтда иштирок этишини маълум қилди.***

***Хабарингиз бор, навбатдаги Осиё ўйинлари 1998 йили Таиландда бўлиб ўтади. Улар ҳозир шу мусобақаларга катта тайёргарлик кўришаётган экан. Фестивалнинг асосий қисми мана шу Осиё ўйинларига мўлжаллаб қурилган, ўз бағрига юз минг томошабинни сиғдира оладиган янги замонавий стадионда бўлиб ўтди. Очилиш маросимида бизни миллий кийимларимизда кўрган Таиланд халқи ўринларидан туришиб, қарсаклар билан кутиб олишди. Айниқса, стадион узра Ўзбекистонимиз гимни янграганда бизларга бўлган ҳурмат-эътиборни кўриб янада руҳланиб кетдик. Эртасига стадионнинг тўрт бурчагига ўрнатилган тўртта саҳнада барча давлатлар вакиллари ўзларининг миллий ўйинларини кўрсата бошлашди. Шуниси қувонарлики, бизнинг саҳнамизга миллий ўйинларимизни кўргани кўплаб томошабинлар йиғилишди. Ҳар куни тушдан кейин соат учда бизнинг карнай-сурнай садолари билан бошланадиган ўйинларимизни минглаб томошабинлар интизорлик билан кутишарди. Қизиқарлиси шундаки, маҳаллий халқ бизнинг «Хўроз минди» деб аталган ўйинимизга қўшилиб кетди.***

***Томошабинлар ва мутахассислар бизнинг «Турон» кўл жанги санъатимизни кўриб қойил қолишди. Дунёнинг 120 давлатига ўз дастурини намойиш этадиган Англиянинг «Спорт тайм» телекомпанияси ходимлари бизнинг барча миллий ўйинларимизни қайта-қайта видеотасвирга туширишди. Кўплаб журналистлар бизларга саволлар беришиб, мана шу «Турон» кўл жанги санъати ва бухороча ҳам фарғонача усулдаги миллий курашларимиз дунёдаги барча якка кураш турларидан қолишмаслигини гапиришди. Шу билан бирга мутахассислар Ўзбекистонга келиб, миллий ўйинларимиз билан янада яқинроқ танишиш, қолаверса, уларни ўзларида ҳам ривожлантиражакларини айтишди. Оврупо давлатларидан келган мутахассислар, айниқса, бу кўл жанги санъатига жудаям қизиқишиб, бош мураббийимиз Баҳодир Саидовдан унинг қонун-қоидалари ҳақида батафсил маълумот олишди.***

***Ўзимиз ҳам бошқа халқларнинг ўйинларини томоша қилдик. Биласизми, от ўйинларидан тортиб сувда бажариладиган ўйинлар, баскетболнинг қадимий усулда ўйнаш, кўзни бойлаб ҳар хил машқлар бажариш, қўйингки, ҳисобласак ҳисобига етиш қийин.***

***Мана шу фестиваль якунланганидан сўнг бизни Таиланд давлати спорт вазири Топсуван жаноблари қабул қилди. У киши бизнинг миллий ўйинларимиз катта таассурот қолдирганлиги ҳақида тўлқинланиб гапирди. Бу миллий спортимизнинг ривожланиши тўғри йўлда эканлигида биринчи навбатда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари катта эканлигини, бунинг исботини Ўзбекистонга келиб ўз кўзи билан кўргани ҳақида гапирди.***

***Голландиялик бир журналист олдимга келиб, сизлар барча ўйинларингизни олиб келмабсизлар, деб савол берганда, мен ҳайрон қолдим. Сиз қайси ўйинни назарда тутяпсиз, деб савол бердим. Мен сизларнинг юртингизда Биринчи Марказий Осиё ўйинлари очилиш маросимида иштирок этганман. Очилиш маросимида Юнонистондан олиб келинган машъалани бир йигит дорда юриб, баландга олиб чиққан эди, кўриб қойил қолганман, деди. Бундан ташқари биз Ўзбекистон тарихи билан қизиқиб сўраганларга, юртимиздаги ўзгаришлар ва қилинаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб бердик.***

***Энди худо хоҳласа, шу йилининг март ойида миллий спортимиз турлари билан қизиққан чет эллик мутахассислар иштирокида семинар ўтказмоқчимиз. Мен фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни янги 1997 йил билан табриклайман. Янги йил барча спортчиларимиз ва мураббийларимизга омадли йил бўлсин.***

**Улуғбек АҲРОРОВ.**

*Исмимиз — ҳуснимиз*

# ПАТТАХ ЭМАС, ФАТТОҲ

Миллий истиқлол шарофати ила келган улуғ рўшноликлардан бири неча ун йиллар давомида эътиборсизлик губори остида ҳар ёғдан она тилимизнинг қадрини тиклаш юзасидан қурилган чора-тадбирлардир. Таъби мавзунликда, зарофатда, нуктадонликда ҳеч бир миллат қаршисида ўксиниш туймайдиган халқимиз турли «замонавий» атамалар, зўрлаб киритилган сўзлар, газету журналларда урф бўлган галат тил тархи, керак-нокерак жойда бегона тилни ишлата бериш каби зоҳири дўстона-ю ботини ганим бир мунофиқ сиёсат натижасида ўз тилида ўтган асрда нашр этилган китобларни ҳам луғатсиз тушунмайдиган аҳволга солиндики, қирон келсин адоватга-ю вайл бўлсин жаҳолатга дегинг келади. Мунаввар бир ишонч билан тирикмиз: ҳукуматимиз тарафидан тузилган катта-кичик маҳкама-ю жамоаларнинг, аҳли илм ва қаламнинг, ҳамма-ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатларимиз, кундалик курашимиз ҳосили ўлароқ, халқимиз асрлар мобайнида мисқол-мисқоллаб жамланган илму адаб, назму наср хазинаси калитини яна қўлга киритган кунга етгумиздир. Илло, маънавиятимиз таъмирини бусиз тасаввур этмоқ мушкул.

Биз ушбу мақолада анчадан бери кўпчиликнинг кунглида юрган бир-икки масала хусусида фикр юритмоқчи бўлдик.

Эътибор бергандирсиз: агар қайсидир ташкилот ўз биноси юзасига номи ўрисча ёзилган лавҳа осган булса, бирор идора раҳбари матбуотга ва бошқа маҳкамага ўрис тилида ёки шу тилга мансуб сўзларни аралаштириб «мошкичири» жавоб битган, иш қоғозларни ҳам ана шу зайлда юритган эса, бундан қаттиқ ҳақоратланамиз, «қанақаси бу, наҳотки шунчалик!» қабилида таъзирномалар билан майдонга чиқамиз. Бироқ бутун бир миллат, наинки биз, балки Марказий Осиёда биз билан девор-дармиён яшаётган биродар халқларда чор истилоси оқибати туфайли келган галат бир таомил ҳақида лом-мим демай яшамоқдамиз. Гап аксариятимизнинг нисбаларимиз билан бирга айтиладиган «ов», «ев» қушимчалари ҳақида кетмоқда. Нисбаларимизни ўрисча иборага айлантириб юбораётган бу қушимчалар билан ясалган сўз бирикмаларни ўрислар палончининг ўғли ёки қизи деган маънода ишлатадилар — «Мария Ивановна — Иваннинг қизи Мария», сўзма-сўз Иваннинг Марияси) ёки Михаил Иванович — Иваннинг ўғли Михайло каби.

Ҳар қадамда бир-биримизни ўрисча нисба билан чақираётганимизни, кўп ҳолларда эса оталаримизнинг исмига «вич» деган қушимчани ҳам бириктириб мурожаат қилаётганимиз ҳеч кимга эриш туюлмайди.

Наҳотки аждодларимиз ўрислар истилочисигача ўз нисбаларини қандоқ айтишни билмаган бўлсалар? Ҳамидхон Олим ўғли, Олимзода, Олимий ёки Ҳамидхон Олим деган сўз бирикмаларининг Олимов, Олимова деган атамадан нимаси кам қайси жойи номақбул?

Айни чоғда ҳар турли маълум ва номаълум сабабларга кўра, аксар ҳолларда оғиздан оғизга, авлодлан авлодга ўтгани сари ўзгариб борган замонларнинг тиши орасида ғажилган-ғижимланган, баъзан асли қандоқ эканлигини билиш маҳол алфозга етган, вақтида шахсий гувоҳномалар берувчи маҳкамалардаги чаласавод мирзоларнинг бепарволиги, беписандлиги, лоқайдлиги, маънавий қашшоқлиги боисдан қандоқ эшитилса, шундоқ ёзилиб, ҳужжатлаштириб қўйилаверган афтодаҳол исмларимизни ҳам поклаб, интизомга келтириб олмоқ ҳам бугунги куннинг вазифасидир.

Ҳеч бир миллат ўз исмларига нисбатан бундай бешафқат муносабатда бўлмаса керак. Мана ўзингиз овоз чиқариб ўқиб, эшитиб кўринг: «Паттаев» деган фамилияни эшитгансиз. Лекин ҳеч мулоҳаза қилганмисиз, шу одамнинг отасининг исми нима экан? Паттавоймикин? Қачондир бу исмнинг Фаттоҳ (ғолиб, музаффар маъносида) булганини билган одам бундай чиройли сўзнинг шу аҳволга тушганидан ҳайратланмоғи муқаррар.

Жилла қурса, ҳар бир мумин учун азиз бўлган эот — ҳаммад Зоидни Мазоид, Мазаит, Бек Муҳаммадни — Бекмат, Бегмат, Муҳаммад Солини Масали каби кўринишларга солиб айтишга қуникиб кетганмиз.

Чустлик муаллим, исмшунос Нуруллоҳ Зайнуддин «Исмингиз — ҳуснингиз» китобида шундай мулоҳаза билдиради: «Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларидан бирида шундай дейилади: «Аллоҳ таъолога кишиларнинг исмлари ичида севимлиси унга банда деган мазмунни берадиганидир». Аллоҳ сифатларини ифода этувчи Раҳмон, Раззоқ, Ғаффор, Қаюм (бу исмни Қайим ҳолида кўп ишлатадилар), шунингдек пайғамбар маъносини ифодаловчи Набий, Расул каби исмлар кўплаб учрайди. Раҳмон сўзининг луғавий маъноси раҳмли, шафқатли, меҳрибондир ва бу фақат Тангрига хос исмдир. Набий сўзининг луғавий маъноси эса пайғамбардир. Демак мазкур сўзларнинг киши исмлари сифатида тоқ қўлланиши ножоиз. Шунингдек бу исмларга «банда-қул» маъносини ифодаловчи сўзларни қўшган ҳолда, яъни Абдурраҳмон, Абдулғаффор, Абдуннабий, Абдуррасул тарзида ёзиш ва аташ тўғридир. Иккинчи қисми «дин» сўзидан иборат исмларда ҳам хатоликлар кўп. Низаметдин — Низомуддин ўрнида, Патиддин — Фатҳуддин кабилар, Маъмурни — Мамир, Воҳидни — Воид, Маҳмудни — Мамут, Маъруфалини — Марфали, Зуннунни (балиқ эгаси. Бу 40 кун балиқ қорнида ётган Юнус пайғамбарга қуйилган лақаб) Зулун, Зулунбой ёзиш ва аташ хато эканига ҳеч ким эътибор бермайди.

Ҳужжат берувчи идораларда кўпинча ўрис мирзалар, маржалар утиришардики, улар билиббилмай бу борада миллатимизга анча талафот етказдилар.

— Вот так будет удобней, — деган, кейинчалик имлога тушурилган, қонунлашиб кетган фажмурда талъат исмларни айтиб адо қилмоқ мушкул.

Ҳозир қизларимизга кўпроқ замонавий исмларни қўйиш урф бўлган. Бироқ қадимий исмлар ҳам буткул муомаладан чиқиб кетгани йўқ. Шунинг учун ҳам Парахат (Фароҳат), Пазлат (Фазилат), Меҳринса, Қутбинса (Меҳрунниисо, Қутбиннисо), Туфа ёки Тўпа (Туҳфа), Мойра (Моҳира) каби аёллар исмларини ҳам тартибга келтирмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавиятни поклаш, миллий ифтихор ҳиссини тарбиялаш йўлида иккинчи даражали иш йўқ. Ҳар нарса муҳим, ҳар амал аҳамиятлидир. Фарзандларимизга путур етган мажруҳ исмларни қўйиш, сунгра уларни бутун умр шундай ном билан чақириш ўзимиз куниккан маънавий кемтикликка янги авлодни ўргатишга рағбат қилиш бўлмайдими?

Агар паспортда исм ёки фамилиялар бузилиб ёзилган бўлса, уларни ҳозирги паспортларни янгилаш даврида имкон борича тўғрилаб олиш керак. Бунга имкон бўлмаса, давлат алоқалари, пул муомалалари учун расмийлаштириладиган ҳужжатларда ушандай ёзиб, вақтли матбуотда, радио ва телевидениеда тўғри ўқиш ва талаффуз этиш керак. Буни исм эгалари қаттиқ туриб талаб этиши лозим. Олимовни ўзбек тилида Алимов, Одиловни Адилов, Фотимани Патима, Фазилатни Пазилат деб ёзиш ёки радио-телевидениеда ўқиш кишининг ғазабини қузғайди.

Фикр юритганимиз мавзунинг аҳамият талаблигини халқимиз ва раҳбарларимизга хос булмиш донишмандлик, ориф она мулоҳазакорлик ила тан олиш, исм, куня (ўғли, отаси) ва насибаларимиз (касбкори, туғилган жойига нисбатан берилган лақаб ва тахаллуслар Нақшбанд, Яссавий, Бухорий каби) имлоси ва талаффузида мавжуд нуқсонларни бартараф этиш тадбирини кўришни асло кечиктириб бўлмайди.

**Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.**
**Лутфуллоҳ МАҲМУД,**
**драматург, шоир.**

# ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

*Мактаб раҳбарлиги имтиёз эмас, у тинимсиз ижодий меҳнатни талаб қилади.*

* * *

*Ўқувчини атрофлича ўрганишда турли хил тарбия услубидан фойдаланилади, аммо якқама-якка суҳбат энг самаралисидир.*

* * *

*Ўқувчи йўл қўйган кичик хатога эътиборсизлик катта нохушлик келтириши мумкин.*

* * *

*Ўқитувчи кундалик сиёсатдан бехабар қолса, мустақил Ватанимиз равнақини ўқувчи ҳиссиётига сингдира олмайди.*

* * *

*Ўқитувчи ўқувчисини ҳаваса, омадли бўлишга ундамоғи зарур, чунки омад бу ҳавас заминидаги меҳнатдир.*

* * *

*Ўқитувчи қирқ йил сабоқ берса-да, тўлиқ маълумотли кундалик дарс режасига эга бўлмоғи зарур.*

**Асқар СУЛАЙМОНОВ,**
**Сирғали туманидаги**
**237-мактаб директори.**

# ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА

Бешафқат ўлим Ўзбекистон Республикаси халқ таълими фахрийси, уруш ва меҳнат ветерани, заҳирадаги полковник Тулямат Ниёзметовни орамиздан олиб кетди.

Тулямат Ниёзметов 1922 йилда Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Сайрам қишлоғида дунёга келди. 1941—1942 йилларда ҳарбий билим юртида таҳсил кўрди. 1942—1943 йилларда взвод командири, рота командири бўлиб Шимолий Кавказ фронтидаги жангларда қатнашди. 1943—1970 йиллар мобайнида турли ҳарбий қисмларда хизмат қилиб, полковник ҳарбий унвони билан заҳирага чиқди.

Т. Ниёзметов 1970 — 1974 йилларда умумтаълим мактабларида ўқитувчи, сўнгра 1974—1988 йилларда эса Ўзбекистон Маориф вазирлиги «Бошланғич ҳарбий таълим» бўлими масъул ходими бўлиб фидокорона меҳнат қилди.

Тулямат Ниёзметов кўп йиллик самарали хизматлари учун Ватанимизнинг бир қатор орден ва медаллари билан, «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган.

Халқ таълими фахрийси Тулямат Ниёзметовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий қолади.

**Бир гуруҳ ўртоқлари.**

*Хуллас...*

## БЕЖИЗ ЭМАС

Американинг «Тайм» журнали ҳар йил адоғида ўз наздидаги «йил кишиси»ни эълон қилади. Ўтган йилнинг энг машҳур одами сифатида оддий врач Дэвид Хо тан олинди. Унинг ОИТС бўйича олиб бораётган беназир тадқиқотлари журнални ана шундай тўхтамга олиб келди. Хулоса шуки, дея таъкидлайди журнал, ўтган йили инсон саломатлиги биринчи нўмирли муаммо бўлган.

## ТАСОДИФ-МИСАН ТАСОДИФ

Тўсатдан эшигингиз олдига унақа-бунақа эмас, нақд чет эл машинаси келиб тўхтаса-да, энди бу «тойчоқ» сизники, дейишса... Юраги отнинг калласидай одам ҳам шайтонлаб қолса керак. Лекин украиналик оддий сут соғувчи Нина Лесикнинг юраги отнинг калласидан ҳам каттароқ шекилли, ҳовлисига мойи қуриб улгурмаган «Тойота»»ни кириб келганда ҳам қалқиб тушмади. Кейин маълум бўлишича, шу юрт каттаси унинг соғувчиликдаги ютуқлари учун шундоқ совғани жўнатган экан.

## РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Искандар Зулқарнайн бирор юртга юриш қилишдан олдин сарбозларини бирма-бир шер солинган қафасга киритиб кўраркан. Агар у қизарса, ўз лашкарига қўшар, ранги оқариб кетса, ҳайдаб солар экан.

Ушбу ривоятга яқинда инглиз олимлари илмий тус беришибди. Уларнинг дараклашича, хавф пайти қизарган одамда фаолият ва тезкорлик бирдан кучаяркан. Ранги оқарганида эса аксинча. Алоҳа, Англиянинг «Тудей» газетаси шундай хабар беради.

## ЭҲРОМДАН ҚАБРГА

Тайваннинг собиқ юртбошиси, генералисиммус Чан Кайшини орадан 20 йил ўтгач (1975 йилда вафот этган) кўмишди. Тўғрироғи, унинг лошини эҳромдан (мавзолей) қабрга кўчиришди. Собиқ доҳийнинг хотини шуни талаб қилди. Унинг айтишича, семизликни фақат от кўтаради, лошни эса ер.

*ана шунақа гаплар*

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022.Тиражи 46.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.